
Газета – ҳаётнинг акси, тарих ифодаси.

“Бағдод ҳаёти” газетасини туманимиз сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари илқ кутиб олишди.

Газета ҳеч нарсага, ҳеч қачон рақобатчи бўлмаган: телевидениега ҳам, телефонга ҳам, интернетга ҳам. Чунки унинг вазифасини бошқа ҳеч қайси ахборот воситаси бажара олмайди.

- Матбуот жамиятнинг жарчиси бўлибгина қолмасдан, алломаларнинг бири айтганидек, халқнинг фикрини муштарак этувчи, ёки буюк жадид Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек, тилимизнинг соғлиги учун курашувчи ҳамдир. Матбуотга муносабатимизда унинг барча имкониятларини ва хизматларини ҳисобга олиши зарур – деди туман “Нуроний” жамғармаси раиси М.Ҳурбоев.

p/s: 31/12/2024 кунги ушбу суратда Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев, туман прокурори Акмалжон Мухторов, туман “Нуроний” жамғармаси раиси Машрабжон Ҳурбоев ва Ғайратжон Актамовлар “Бағдод ҳаёти” рўзномасини мутоалаа қилишмоқда.

2025-01-09 18:38:27